

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

МАМАЖОНОВ АКРАМЖОН ТУРГУНОВИЧ

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ
ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
имий даражасини олиш учун ёзилган диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019 йил

**Иқтисодиёт фанлари доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) по
экономическим наук**

**Content of Dissertation abstract of the doctoral (PhD) on
Economic sciences**

Мамажонов Акрамжон Тургунович Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннарихи таҳлилини такомиллаштириш.....	3
Мамажонов Акрамжон Тургунович Совершенствование анализа производственных затрат и себестоимости продукции в фермерских хозяйствах.....	29
Mamajonov Akramjon Turgunovich Improving the analysis of the manufacturing costs and production prime-cost at farms.....	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	59

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

МАМАЖОНОВ АКРАМЖОН ТУРГУНОВИЧ

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ
ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
имий даражасини олиш учун ёзилган диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019 йил

Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt 523 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибрагимов Абдугапур Каримович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Неъматулла Фатхуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хакимов Бунёдjon Жураевич
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “_____” _____ кuni соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ кuni тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Э.Ташмурадова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У.Меҳмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримкулов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Иқтисодий диверсификация қилиш даврида хўжалик субъектлар ўртасида иқтисодий рақобатбардошлик муҳитининг шаклланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва таҳлилининг илғор тизимларидан фойдаланиш заруриятини туғдиради. Хорижий мамлакатларда бошқарув таҳлилининг юриштирнинг замонавий шароитида стратегик ва тактик хусусиятга эга бўлган бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни фермер хўжалигининг харажатлари ва молиявий натижалари ҳақидаги ахборотга таянади. Бу вазифаларни бажаришда бир қатор замонавий тизимларнинг аҳамияти каттадир. Шулардан бири “Стандарт-кост” тизими бўлиб, унинг асосида белгиланган нормалар доирасида ҳамда улардан четланишлар бўйича ҳисоб юритиш ва назорат қилиш тамойиллари ётади. Харажатларни норматив усулда аниқлаш XX аср бошларида АҚШ да пайдо бўлди. Бу Ф.Тайлор, Г. Эмерсон ва бошқа муҳандислар таклиф қилган илмий менежмент тамойилларидан бири эди. Улар харажатларнинг норматив ҳисобини ривожлантириш учун туртки бердилар. Ушбу олимлар меҳнат ва материаллардан фойдаланишнинг ягона, энг яхши йўлини аниқлаш учун стандартлар қўллар эдилар. Бу стандартлар материаллар ва меҳнат истеъмолининг энг кам даражасига келтиришни таъминловчи режани қабул қилиш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.¹

Бугунги кунда жаҳонда инновацион иқтисодийнинг ривожланишида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда методологик асосларини такомиллаштириш борасида илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқариш харажатларини ҳамда маҳсулот таннархи объектларини таснифлаш, баҳолаш, ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, фойдаланувчилар учун ахборот имкониятларини кенгайтириш мақсадида уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш, улардан самарали фойдаланишда таҳлил қилиш услубиёти масалалари такомиллаштирилган. Аммо, жаҳон мамлакатларида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи объектларининг ривожланиши турли даражада бўлганлиги, уларнинг ҳисоби ва таҳлили бўйича халқаро даражада эришилган натижаларни тўлиқ жорий этилмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришда инновацион технологияларни ривожлантириш ва уларнинг ҳисобини ташкил этишда давлат дастури даражасида эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилди. Бугунги кунда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннарихи таҳлилининг ташкил этишни такомиллаштириш борасида ўз ечимини кутаётган қатор

¹Файоль А, Эмерсон Г., Тейлор Ф., Форд Г. Управление –это наука и искусства.-М.:Республика, 1992.-90 с.

муаммолар мавжуд. Бунда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлашда халқаро ҳисоб тажрибаси асосида қишлоқ хўжалигида, хусусан, фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи бўйича ҳисобини тўғри ва ўз вақтида юритиш, улардан самарали фойдаланиш таҳлили юзасидан илмий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон «Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон «Рақамли иқтисодий янада ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 9 октябрдаги ПФ- 5367-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-3824-сон «Фермер хўжаликларида ҳисоб тизимини тубдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда бухгалтерия ҳисоби фаолиятига тегишли бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш»нинг устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили назарий, ташкилий ва методологик жиҳатлари хориж олимлардан Л.А.Бернстайн, Л.В.Донцова, Р.Карлин, В.В.Ковалев, Н.П.Любушин, В.Б.Лещева, Б.Нидлз, Н.В. Родионов, А.Ионова, О.В.Ефимова² илмий ишларида, шунингдек мамлакатимиз

²Донцова Л.В. Анализ финансовой отчетности:учебник. М.:Издательство «Дело и Сервис», 2008. -368с. Любушин Н.П., Лещева В.Б.,Дьякова В.Г Анализ финансово-экономической деятельности предприятия. /Под ред. Проф. Н.П. Любушина. М.:ЮНИТИ-ДАНА, 1999.-471с. Ефимова О.В. Финансовый анализ. М.:Изд-во «Бухгалтерский учет», 2002. -528с. Радионов Н.В., Радионова С.П. Основы финансового анализа:математические методы, системный подход. СПб.: Альфа, 1999.-592с. Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н.

олимлари И.Т.Абдукаримов, Э.А.Акрамов, А.В.Вахобов, А.Усанов, А.Т.Иброхимов, Е.Ергешев, М.Қ.Пардаев³ ва кўплаб олимларнинг илмий ишларида ҳам мазкур йўналишнинг маълум услубий томонлари баён этилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ушбу олимлар ва мутахассисларнинг илмий ишланмалари хорижий амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиб, эътибор асосан хўжалик субъектларида маҳсулот таннархи таҳлили, жорий активлар билан таъминланиши ва тўлов қобилиятининг таҳлили масалалари ушбу олимларнинг диққат марказида бўлган ва ушбу масаланинг турли томонларини такомиллаштиришга доир кўплаб илмий ва услубий ишлар қилинган. Хусусан, маҳсулот таннархи таҳлили ва тўлов қобилиятининг таҳлили масалаларига ўз илмий ишларида кенг тўхталиб ўтилган. Шуниси аҳамиятлики, хорижий тажрибанинг ижобий томонларидан фойдаланиб ушбу олимларнинг илмий асарлари асосида мамлакатнинг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилида, хусусан фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилинини ўтказиш тартибларини такомиллашувига олиб келган.

Ўзбекистонда эса фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг бухгалтерия ҳисоби ва унинг таҳлили ва аудит ўтказиш методикаси юзасидан қатор илмий ишланмалар ҳам амалга оширилган ва оширилмоқда. Жумладан Б.Ж.Хакимов⁴ ва М.Р.Исмоилова⁵ асарларида қисман ўрганилган.

Шундай бўлсада, республикада олиб борилган тадқиқотларда айнан фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилинини ташкил этиш методологиясига қаратилган масалалар тизимли равишда илмий-назарий ва методологик жиҳатдан тўлиқ асослаб берилмаганлиги мазкур диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг “Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон

Финансовый анализ. М.: ТК Велби, Изд-во проспект, 2008.-624с. Ковалев В.В. Финансовый анализ: методы и процедуры. М.: Финансы и статистика, 2005.-560с.

³ Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари = Как читать и анализировать финансовую отчетность : -Т: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 1999. -320 б. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили : Ўқув қўлланма. -Т: Молия нашриёти, 2004. -224 б. Вахобов А.В., Иброхимов А.Т., Ишонкулов Н.Ф. Молиявий ва бошқарув таҳлили : Дарслик . -Тошкент: "Шарк", 2005. -480 б.Усанов А. Жорий активларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш.//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2010. №5 -35-36 бетлар. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари : 08.00.08 : Иқтисод фанлари доктори ... дисс. . Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т, 2002. -43 б. - Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил : Дарслик/ Е.Ергешев. -Т: Молия, 2000. -256 б.

⁴Хакимов Б.Ж. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва уларнинг таҳлили (Ўсимликчилик тармоғи мисолида) . иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент: БМА, 2007.-154б.

⁵ Исмоилова М.Р. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилни ташкил этишни такомиллаштириш масаллари. Иқтисод фанлари номзоди даражасини олиш учун диссертация. Тошкент:БМА, 2002.-150б.

Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ва амалий йўналишдаги таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

фермер хўжаликларида маҳсулот таннархини аниқлаш усуллари ва таҳлил қилишнинг назарий асослари ёритиб бериш;

харажатлар ҳисобининг хориж тажрибаларни, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этишни ўрганиш асосида уни такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар бериш;

маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш, назорат қилиш, таннархни аниқлаш ва уларни таҳлилини ўрганиш;

ишлаб чиқариш корхоналарида харажатларни калькуляцион моддалар бўйича таҳлил қилиш тартибини ўрганиш ва уларга баҳо бериш;

маҳсулот таннархига таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш ҳамда таннархни ўзгариш сабабларини аниқлаш;

фермер хўжаликларида таннархни пасайтириш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш ҳамда харажатлар таркиби таҳлилини такомиллаштириш;

иқтисодий инқироздан кейинги шароитида маҳсулот таннархини камайтириш бўйича илмий жиҳатдан асосланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон вилоятида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини таҳлил қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, тизимли ёндашув, мантикий фикрлаш, монографик кузатув, таққослаш, омилли ва регрессион таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилини амалга оширишнинг соддалаштирилган шакли таклиф этилган;

фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилишда жами харажатлар таркибида ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган билвосита харажат турларини фаолиятга нисбатан давр харажатлари таркибига киритилиши таклиф этилган;

фермер хўжаликларида халқаро ҳисоб тизими (“Директ-костинг”)ни қўллаш асосида харажатларни тезкор бошқариш усули таклиф этилган;

фермер хўжаликларида молиявий коэффицентларни ҳисоблаш ва уларни таҳлили методикаси такомиллаштирилган;

фермер хўжаликларида статистик усулларни киритиш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун молиявий ҳисоботларни ахборот имкониятлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таҳлил қилиш ҳамда жами харажатлар таркибида ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатларга нисбатан давр харажатлари таркибига киритиладиган харажатларнинг ўзгариш динамикалари ўрганилган;

ишлаб чиқариш харажатларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичи сифатида бир сўмлик маҳсулотга тўғри келадиган харажат кўрсаткичини ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш таклиф қилинган;

маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг таркиби уларнинг улуши ҳамда ўзгариш динамикалари кўрсатиб берилган;

импорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини қайта кўриб чиқиш ва пасайтириш таклиф қилинган;

харажатларни таъсир қилувчи омиллар асосида таҳлили ҳамда ушбу омилларни таркибий жиҳатдан таҳлиллари амалга оширилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги) томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлиliga оид назарий-методологик маҳсул илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини таҳлил қилиш, таҳлилни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқиладиган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили методикасини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлиlinи амалга оширишда соддалаштирилган вариантлардан фойдаланиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ- овқат таъминоти ишлаб чиқариш маркази томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти ишлаб чиқариш марказининг 2019 йил 16 октябрдаги 05/03-04-1028-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий

қилиш натижасида фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх таҳлилини амалга оширишда сарфланган вақт 10 фоизга тежалган;

Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиш, харажатлар таркибида ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган айрим харажат турларини фаолиятга нисбатан давр харажатлари таркибига киритилиши таклифи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти ишлаб чиқариш маркази томонидан амалиётда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти ишлаб чиқариш марказининг 2019 йил 16 октябрдаги 05/03-04-1028-сон маълумотномаси). Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини 3,4 фоизга тежаш имкони яратилган;

Фермер хўжаликларида молиявий таҳлилини ўтказиш ва унинг натижалари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилишда статистик усуллардан фойдаланиб таҳлилий амаллар учун аудиторлик далилларни тўплаш ва унинг натижасида ахборот рисқи даражасини пасайтиришга ва шу асосда унинг молиявий ҳисоботи таҳлилини ташкил этишни такомиллаштиришга оид таклифи Ўзбекистон аудиторлар палатаси томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон аудиторлар палатасининг 2019 йил 14 июндаги 6-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий қилиш натижасида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилини ўтказиш методикаси такомиллаштирилган;

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқ молиявий коэффициентларни ҳисоблаш тартибини аниқлаш бўйича таклифи Ўзбекистон аудиторлар палатаси томонидан амалиётда услубий тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон аудиторлар палатасининг 2019 йил 14 июндаги 6-сон маълумотномаси). Натижада фермер хўжаликларида молиявий ҳисоботларни ахборот имкониятларини кенгайтиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 6 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган ва ижобий хулосалар берилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 17 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх таҳлилининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда фермер хўжаликлари фаолиятининг ташкилий асослари, хориж тажрибаси асосида қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда таннархи таҳлилининг назарий масалалари кўриб чиқилган ҳамда боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Ҳозирги инновацион ривожланиш кетаётган бир даврда муҳим масалалардан бири фермер хўжаликлари фаолиятини оптималлаштириш ва уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва таннархни оптималлаштириш бўйича иш олиб бориш ҳисобланади. Шу нуқтаи назарда таннархни камайтириш бўйича ишларни амалга ошириш вазифалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида» 2018 йил 17 ноябрдаги 2119-III-сон ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида» 2018 йил 13 декабрдаги СҚ-348-III-сон қарорларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги қарориди қуйидагилар келтириб ўтилади:

“2019 йилда ягона ер солиғи тўловчилар учун солиққа тортишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолиниши маълумот учун қабул қилинсин.

2019 йил 1 январдан, тажриба тариқасида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар) билан банд қилинган суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар учун мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ундириладиган ягона ер солиғининг базавий ставкалари 20-иловага мувофиқ киритилсин.

2019 йил учун маҳаллий йиғимларнинг чегараланган ставкалари 21-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва «Солиқ хизмати» ДУК билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар фермер хўжаликларига бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизмат кўрсатиш учун махсус дастурий маҳсулотни ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, фермер хўжаликларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботлар тузиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминласин.”⁶

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигида ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархини ошириб бориш ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминланмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда тизимли муаммолар мавжудлиги соҳани барқарор ривожлантиришга салбий таъсир этмоқда.

Жумладан:

биринчидан, ерларни ноқонуний ажратиш ва улардан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда, жумладан, 2018 йилда 2 638 та ҳолатда 16 447 гектар майдондан ноқонуний фойдаланилган ҳамда 1 502 та ҳолатда 28 427 гектар экин ерлари ноқонуний ажратилган;

иккинчидан, ерлардан, айниқса суғориладиган ерлардан ноқонуний фойдаланиш, шахсий манфаати йўлида якка тартибда уй-жой ёки бошқа бино ва иншоотларни куриб олиш ҳолатлари ортиб бормоқда, жумладан, 2018 йил давомида республика бўйича 4062 ҳолатда 622 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, якка тартибда уй-жой ёки бошқа бино ва иншоотлар куриб олинганлиги аниқланган;

учинчидан, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларининг контурлари кесимида экинларни жойлаштириш ва ҳосилдорликни белгилаш бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг шаффофлиги ва ҳолисоналиги таъминланмаяпти. Бу эса, айрим қишлоқ хўжалиги экинларини шартномага нисбатан кўп ёки кам экилишига, ҳосилдорликнинг адолатсиз белгиланишига сабаб бўлмоқда;

тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

⁶ www.Lex.uz.

ҳамда замонавий ресурстежамкор инновацион технологияларни кенг жорий этиш масалаларига эътибор қаратилмаяпти, жумладан, томчилатиб суғориш тизими бор-йўғи 43,1 минг гектар ёки жами суғориладиган майдоннинг атиги 1 фоизда жорий қилинган.⁷

Қишлоқ хўжалигидаги асосий товар ишлаб чиқарувчилар бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида уларнинг иқтисодиётда тутган ўрни йилдан йилга ортиб бормоқда. Кейинги йилларда фермер хўжаликларини ер майдонларини оптималлаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли қарорига асосан, фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Қарорга асосан, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига фаолият юритиш учун берилган ер участкалари майдонлари мақбуллаштирилади.

Шунингдек, қарор билан ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш бўйича республика, вилоят ҳамда туман ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқланди.

Эксперимент тариқасида фермер хўжаликлари учун ер участкалари очик танлов якунига кўра ер участкаларини бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг хулосасига биноан халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори асосида қабул қилинган туман ҳокимининг қарори бўйича берилади.

Бир гектар ер майдони учун пахта-ғаллачилик лойиҳасига 2 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида ҳамда сабзавот-ғаллачилик, боғдорчилик-узумчилик, сабзавот-полизчилик лойиҳаларига 5 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган талабгорларга ва кластер корхоналарига туман сектор раҳбарининг тавсиясига кўра танлов ўтказмасдан туман ҳокимининг қарорига асосан ер участкалари ажратилади.⁸

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ҳажмлари уларнинг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича белгиланади:

пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 100 гектар;

ғаллачилик ва сабзавотчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 20 гектар;

⁷ www.Lex.uz.

⁸ www.Lex.uz.

боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 10 гектар;

сабзаотчилик ва полизчилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкалари майдонларининг энг кам ўлчами – 5 гектар;

чорвачилик йўналишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ҳажмлари қонунчиликда белгиланган тартибда мавжуд шартли мол бош сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.⁹

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ер участкаларининг ўлчами юқорида назарда тутилган миқдорлардан кам бўлган тақдирда, уларни мақбуллаштиришга асос бўлади.

Мақбуллаштириш жараёнида туман ҳокимликлари захирасига қайтарилган ер участкалари, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган, молиявий ҳолати яхши ва қишлоқ хўжалиги техникаларига эга кўп тармоқли фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, экспорт қилувчи ва қайта ишловчи корхоналарга берилади. (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Йиллар	Хўжаликлари сони (дона)	Экин майдони (минг га)	Банд бўлганлар сони (минг киши)	Шундан ёлланма ишчилар (минг киши)	Бир фермерга тўғри келадиган экин майдони
2012 й.	125668	2140,7	954,2	280,8	17,03
2014 й.	189235	2710,6	1381,1	382,5	14,45
2014 й.	217095	3001,6	1621,4	456,1	13,83
2015 й.	105033	3045,2	1710,2	455,7	28,99
2016 й.	80628	3052,9	1521,6	465,8	37,86
2017 й.	7995	3048,4	1611,5	472,4	38,21
2018 й.	7865	3055,2	1645,1	485,3	39,54

Натижада 2012 йилдаги 125668 та фермер хўжалиги 2018 йил бошига келиб 80628 тани ташкил этиб, 45040 таси қисқартирилди. Фермер хўжаликларига берилган ер майдони 5828,4 минг гектарни, шундан суғориладиган экин майдонлари ҳажми 3052,9 минг гектарни ташкил этди. Бир фермер хўжалигига ўртача 37,9 гектар экин майдони тўғри келган. Фермер хўжаликларида жами банд бўлган ишловчилар сони 2016 йилда 1521,6 минг кишини, шундан ёлланма ишчилар сони 465,8 минг кишини ташкил этган. Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларида банд бўлганлар сони йилдан-йилга ортиб борган. Шу жумландан 2012 йилга нисбатан 1,5 баравардан ортиқ ишчилар банд бўлган. Демак, фермер хўжаликлари фаолиятини янада оптималлаштириш орқали унинг фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат.

Иқтисодийни модернизациялаш даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш, фермер хўжаликлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан тушган ўз даромадлари

⁹ www.Lex.uz.

ҳисобидан барча харажатларни қоплашда молиявий маблағлардан фойдаланиш усули ва шаклини танлашда фермерларга кўплаб мустақилликлар берилди. Натижада фермер ва деҳқон хўжаликларининг улуши йил сайин қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотига ортиб борди.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича юқори салмоқни эгаллайди. Демак фермер хўжаликларининг асосий вазифаларидан бири, уларнинг таннархини арзонлаштириш ва сифатини оширишдан иборат. Шу мақсадда ишлаб чиқариш харажатлари доимий равишда таҳлил қилиб турилиши ва фойдаланилмаган резервларни аниқлаш лозим. Бундан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали маҳсулот таннархини камайтириш бўйича амалий ишларни қилиши керак. Ушбу шароитда ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлилининг такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Маъмурий бошқарув тизимида харажатлар таркибини таҳлили иқтисодиётни марказлашган тизими тамойиллари асосида ташкил этилган бўлиб, у ишлаб чиқариш жараёнларида ҳақиқатда сарф этилган харажатлар ва марказлашган ҳолда нархни шакллантириш учун маҳсулот таннархини аниқлаш тўғрисидаги ахборотларни етказиб беради. Иқтисодиётни модернизациялаш даврда, фермер хўжаликлари учун ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархини таҳлил қилишда ва режалаштиришда асосий қурол бўлади. Дунё бозоридаги молиявий-иқтисодий инқироз, корхоналар ўртасидаги рақобат ҳозирги кунда шунга олиб келдики, бозор иштирокчилари ўз маҳсулотларини таннархидан пастроқ нархларга сотишига тўғри келмоқда ва бундай ҳолатда пировард мақсад-фойда олиш, фақат маҳсулот сифатига зарар етказмай харажатларни тежаш орқали эришилади. Харажатларни тежаш эса улар содир бўладиган ҳар бир босқич имкониятини пухта ўрганилиб, улардаги захираларни жалб қилиш ҳисобига амалга оширилади.

Бизнингча бирон бир тушунчалар моҳиятини тўғри англаш учун улар кўзлаган мақсад ва тадқиқот объектларини кўриб чиқиш зарур. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи таҳлили турли мақсадларни кўзлайди. Ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилининг мақсади корхона раҳбари ўз вақтида сифатли бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун уларга етказиб берилган ахборотларни таҳлил қилиш ҳисобланади. Таннарх таҳлилининг мақсади эса, маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирликларини таннархини таҳлил қилиш асосида таннархни камайтириш бўйича резервларни аниқлаш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилида харажатлар таркиби, харажат моддалари ва элементларини таҳлил қилиш усул, у ёки бу маҳсулот бирлигини таннархини таҳлил қилишда қўлланиладиган усуллар тизимини бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўладиган аналитик маълумотлар мажмуаси тушунилади. У ёки бу маҳсулотни таннархини

таҳлил қилиш усулини қўллаш қўйидаги асосий омиллар билан аниқланади: ишлаб чиқариш тури ва мураккаблиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси, характери, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш жараёнининг узун-қисқалиги ва ҳакозо.

Мавжуд адабиётлардан ва инструкторив материаллардан бизга маҳсулот таннархини ҳисобга олиш ҳамда калькуляция қилишнинг уч усули маълум. Булар бўлимли, буюртмали, норматив усуллари дир. Ҳар бир корхонада шу корхонанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда калькуляцияни у ёки бу усули қўлланилиши мумкин.

Ушбу масалада фермер хўжаликлариди қайси усулни қўллашни тавсия қилиш мумкинлиги ечимини кутаётган масалалар жумласига киради. Бу масалада Дусмуратов Р.Д. ва Машарипов О.А. томонидан шундай фикр билдирилган: “Аналитик ҳисоб харажатларнинг турлари ва чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича юритилади. Харажатларнинг юзага келиш жойлари ва бошқа белгилади бўйича гуруҳланиши шунингдек, калькуляцион ҳисоб алоҳида счётлар тизимида амалга оширилади. Ушбу счётларнинг таркиби ва фойдаланиш услубиятини ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти, тузилиши, бошқаришни ташкил этиш хусусиятларига қараб белгилайди.

Агар харажатларнинг вужудга келиш жойи ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши ҳамда калькуляцион ҳисоб алоҳида счётлар тизимида ҳисобга олинмаса, 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” счётининг аналитик ҳисоби ҳам корхонанинг алоҳида бўлинмалари бўйича юритилади”.¹⁰ Шундай қилиб, ишлаб чиқариш харажатларини таҳлилини амалаг оширишда фермер хўжаликларини харажатлар ҳисобоини ташкилий тузилишига қараб ташкил қилинади. Масалан харажатлар норматив усулида ҳисобга олинса, таҳлилда асосий эътибор маҳсулот таннархини калькуляциялашнинг норматив усулида меъёрдан четга чиқиш ҳисобот оий давомида ҳисоб олиншини таҳлиliga қаратилади. Бу эса ишлаб чиқаришда йўл қўйилган ортиқча харажатларни ўз вақтида аниқлаш, унинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш, ўрганиш ва бунинг олдини олиш учун тегишли чора тадбирлар кўриш имкониятини беради.

Бир сўз билан айтганда, калькуляция қилишнинг норматив усули ишлаб чиқариш харажатлари устидан назоратини ташкил қилиш, фермер хўжалиги бўйича ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш, уларни ишга солиш имкониятини беради. Шу жихатдан бу усул бошқа усуллардан анча устун туради ва уни тўғри қўллашг учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим: норматив калькуляцияси тузиладиган экин турлари, чорва моллари гуруҳлари, қишлоқ хўжалиги тайёр маҳсулотлар номенклатурасини фермер хўжалиги миқёсида ишлаб чиқиш; асосий ишлаб чиқариш харажатлари (ем-хашак, минерал ва органик ўғитлар, уруғ ва кўчат материаллари, асосий ва ёрдамчи материал, иш ҳақи) нормативини ишлаб

¹⁰ Дусмуратов Р.Д., Машарипов О.А. Фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш. Тошкент: 2007. -90б.-Б.65.

чиқариш; ҳаракатдаги нормативлар ўзгаришини ўз вақтида расмийлаштириш ва ҳисобга олиш, таҳлил қилишдан иборат жараёнларни амалга ошириш лозим.

Ушбу усулни фермер хўжаликлари фаолиятига тадбиқ этиш натижасида уларнинг харажатларни оператив равишда таҳлил қилиш имконияти яратилади, чунки ушбу усул қўлланилиши харажат моддалари бўйича амалга оширилган харажатларни назорат қилиш, айрим харажатларни ошиқча сарфланишини оператив таҳлил қилиш имконияти яратилади.

Молиявий таҳлилнинг чет эл тажрибасига кўра умумлаштирувчи сифатида анча илгаридан ўз капитали рентабеллиги кўрсаткичидан фойдаланилади, *-ROE* унинг хусусияти ташкилот ўз капиталини кўпайтириш қобилиятини харктерлайди, натижада молиявий барқарорлик, капитал таркибини бошқаришни самаралилиги, ташкилотнинг молиявий, инвестицион, ва жорий (операцион) фаолиятини самарадорлигини кўрсатади. Инвесторлар ташкилотнинг акциядорлик капиталига инвестиция қўйиши учун йўл қўйилиши мумкин бўлган инвестицион риск юқори чегарасига қараб, қўйилган қуйилманинг даромадлилигига эътибор қаратади ва ушбу формуладан фойдалади:

$$ROE=NI/eq*100\%.$$

Суръатида тижорат ташкилотининг эгаси(мулкдорлари) ихтиёрида қоладиган якуний молиявий натижа кўрсатилади, маҳражида эса – ташкилот менежменти ихтиёридаги қолдириладиган капитал кўрсатилади. Бу капитал таркибига қуйидагилар киради: устав(акциядорлик) капитали, қўшилган капитал, соф фойдадан ташкил топган резерв капитали, ҳамда тақсимланмаган фойда. Капитал назариясига кўра-бу ташкилот фаолияти давомида олинган соф фойдадан ташкил топган устав капитали ва қўшилган капитал ҳисобланади.¹¹

Корхонанинг ночорлиги оқир-оқибатда унинг банкротлигига олиб келади. Аммо бу масала мамлакатимиз олимлари томонидан етарли даражада ўрганилган эмас. Жаҳондаги жуда кўп мамлакатлар амалиётида банкротликни аниқлаш учун Нью-Йорк университети профессори Эдуард Альтман тавсияси қўлланилмоқда. Бу банкротликни аниқлаш учун 5 та кўрсаткич тавсия қилинган. Очик акциядорлик жамиятлари учун Альтман қуйидаги формулани таклиф этади:

$$Z\text{-счет}=\text{ЖА}/\text{А}*1.2+\text{Ф}_r/\text{А}*1.4+\text{Ф}_h/\text{А}*3.3+(\text{Б}_o+\text{Б}_л)/\text{М}_o*0.6+\text{В}/\text{А}*1.0 \quad (1.8)$$

бу ерда, ЖА-Соф айланма капитал;

А-активларнинг умумий суммасы;

Ф_r – тақсимланмаган фойда;

Ф_h-Солиқ ва фоизлар тўлашдан олдинги фойда;

М_o-кредиторлик мажбуриятларнинг умумий суммасы;

Б_o-Ўз капиталининг бозор қиймати;

Б_л-корхонанинг имтиёзли активлари бозор қиймати

¹¹ Мельник М.В., Бердников В.В. Финансовый анализ: система показателей и методика проведения. М.:Экономистъ, 2006.-159с. –С.55-56.

В-таҳлил этилаётган даврдаги сотишдан тушум.

Буларга: соф ишчи капиталининг барча активлардаги ҳиссаси; барча активлар рентабеллиги; барча активлар даромадлилиги; ўз маблағлари (акциялар) бозор баҳосининг ўз маблағлари баланс қийматига нисбати; барча активларнинг самарадорлиги кўрсаткичлари киритилган. Ушбу кўрсаткичлар тизимига асосан Э.Альтман банкротликни олдиндан башорат қилиш учун “Z-счёт”ни қўллаб қуйидаги комплекс кўрсаткични аниқлашни тавсия қилади:¹².

Диссертациянинг **“Фермер хўжаликларида асосий маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва таннарх таҳлилини ташкил этиш тартиби”** деб номланган иккинчи бобида фермер хўжаликларида асосий ишлаб чиқариш харажатларининг информацион ахборот манбаси ўрганилган, фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархини калькуляция моддалар бўйича, маҳсулот турлари бўйича таннархни ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили амалга оширилган ҳамда такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Фермер хўжаликлари фаолиятида ва унинг айрим олинган бўлимларида ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини акс эттирадиган кўрсаткичлар таҳлилининг умумий тизимида таннарх кўрсаткичи асосий ўрин тутди. Чунки таннархнинг таркиби уни ташкил қиладиган тегишли харажатларнинг йиғиндисидан иборат. Харажатларни ҳисобга олишнинг умумқабул қилинган таърифининг ёритилиши қуйидагича: "Харажатларни ҳисобга олиш бу тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти - таъминот, ишлаб чиқариш ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш - истеъмолчига етказиб бериш жараёнларида содир бўлган воқеаларни миқдорий ўлчаш (миқдор ва қиймат ўлчовида), қайд қилиш, гурухлаштириш, тайёр маҳсулотлар таннархининг таркиб топиши чегараси бўйича таҳлил қилишга қаратилган фаолиятдир. Бугунги кунда фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини таҳлил қилишда бошқарув таҳлилининг асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

фермер хўжаликларининг бизнес-режа маълумотлари;

«Корхона сарф-харажатлари тўғрисида»ги ҳисоботи маълумотлари;

«Меҳнат ҳисоботи» маълумотлари;

бухгалтерия ҳисобининг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиб боровчи бухгалтерия ҳисобининг синтетик счётлари маълумотлари;

Харажатлар бўйича аналитик счёт маълумотлари ва ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи дафтарлар, регистрлар ва таннарх аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар бўйича ахборотлар;

фермер хўжаликларини бошқарувидаги қўшимча маълумотлар.

Харажатлар даражасига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни гурухлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли ушбу омилларни қуйидаги расмда батафсил гурухларга ажратилган ва таҳлилни амалга оширишда ушбу туркумлаш муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

¹² Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: теория, практика и интерпретация: М.: Финансы и статистика. 1996,-с480



1-расм.Харажатлар даражасига таъсир қилувчи факторлар тизими.¹³

¹³ Муаллиф томонидан амалий маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

Бошқарув таҳлилининг информацион таъминотини қуйидаги кетма-кетликда кўриш мумкин деб ўйлаймиз. Энг аввало бизнес-режада қуйидаги ахборотлар олиш лозим:

Ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулоти турлари бўйича режадаги хажми ва қиймати,

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи режаси;

Айрим маҳсулот турлари бўйича режадаги таннарх ва унинг таркиби.

Ташқи ахборот истеъмолчилар учун зарур бўлган молиявий ҳисоботлар таҳлилининг ахборот манбаси бўлиб фермер хўжалиги томонидан таёрланган молиявий ҳисобот шакллари ҳисобланади. Булар энг аввало бухгалтерия балансининг актив қисмидаги “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” моддаси, “Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот” шаклидаги сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи, давр харажатлари, шу жумладан сотиш билан боғлиқ харажатлар, маъмурий-бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар каби моддалардаги кўрсаткичлар асос бўлиб хизмат қилади.

2-жадвал.

**Избоскан туманидаги «Юлдузхон порлоқ хотираси» фермер хўжалигида
1 га пахта экиш билан боғлиқ харажатлар таҳлили**

Кўрсаткичлар	2018 й.		Фарқи (+;-)
	Бизнес-режа бўйича, минг сўм	Ҳақиқатдаги харажатлар, минг сўм	
Уруғ	421,6	142,5	+21,5
Ёнилғи ва мойлаш материаллари	395,8	426,5	+30,7
Машина-трактор паркиннинг бажарган иш хизматлари	98,7	116,7	+18,0
Фермер аъзоларининг меҳнат ҳақи	251,6	269,7	+18,1
Ёлланма ишчилар иш ҳақи	160,7	188,0	+27,3
Иш ҳақига нсибатан ажратмалар	103,1	114,2	+11,1
Бошқа бевосита харажатлар	97,6	103,8	+6,2
Ўтган йилги харажатлар	397,6	329,8	-67,8
Жами	1626,7	1645,7	65,1

Омиллар бўйича таҳлилни амалга ошириш жараёнида ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича харажатларни таҳлилни амалга оширишда ўсимликчилик харажатлари таҳлилни бевосита харажат объектларини, яъни, экин ва чорва моллари гуруҳлари бўйича – агротехнологик ва зооветеринария тадбирларни ўтказилиш босқичлари бўйича амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу билан объектлари бўйича харажатларнинг ҳолатини кўриб чиқиш мумкин (2-жадвал).

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида пахта экишгача бўлган технологик ишлар, шу жумладан кузги шудгор, яхоб суви бериш, ерларни текислаш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан ўтган йили бажарилган ишларнинг қиймати жами ҳақиқатда 329,8 минг сўмни

ташкил этган. Лекин бизнес режа бўйича ўтган йилги харажатлар 397,6 минг сўм бўлган ҳолда ҳақиқатда 329,8 минг сўмни ташкил этиб, 67,8 минг сўмга тежалган. Бу ўтган йили айрим режадаги ишларни амалга оширилмаганлигини кўрсатади.


Режадаги кўрсаткичлардан уруғ бўйича салбий четга чиқишлар 21,5 минг сўмни ташкил этиб бунга сабаб уруғни баҳоси ўзгарганлиги, ёнилғи ва мойлаш материаллари бўйича эса 30,7 минг сўмга кўпайишига нефть маҳсулотларининг баҳоси ўзгарганлиги ва машина – трактор парки бажарадиган хизматда нефть маҳсулотларини фермер ўзи етказиб бериши сабаб бўлган. Демак молиявий таҳлилнинг асосий вазифаси ушбу ошқича сарфланган харажатларни сабабларини аниқлаш ва уни камайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича иш олиб борилиши керак. Омилли таҳлилни амалга оширишда ҳар бир модда бўйича четга чиқишлар батафсил таҳлил қилиниши лозим ва уларни сабаблари ва айбдорлари аниқланиши керак. Чунки фермер билан машина трактор парки ўртасида тузилган шартнома бўйича ёнилғи ва мойлаш материаллари хизмат кўрсатувчи ташкилот томонидан қопланиши керак эди.

Лекин улар ер ҳайдовчи тракторлар бўйича хизматлар баҳосига ёнилғи ва мойлаш материалларини сотиб олиш суммасига қўшимча ўзларининг наценкасини ҳам қўшиб ҳисобланганлиги сабабли уларнинг таннархи ошиб кетганлиги сабабли фермер ёнилғи ва мойлаш материалларини ўз зиммасига олган ва натижада нисбатан таннархни пасайишига олиб келган. Шу сабабли ёнилғи сарфини қиёсий таҳлил қилишда муқобил варинатларни излаб топиш ва шу асосда тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш зарурияти пайдо бўлади. Ушбу мақсадда 1 гектар ерни ҳайдашда сарф бўладиган харажатларни, яъни ёнилғи ва мойлаш материалларини таҳлил қилиб чиқиш вазифаси юкладилари ва шу асосда фермер қандай вариантда ер ҳайдаш лозимлиги бўйича қарор қабул қилади. Лекин унинг нархи ошиб кетганлиги ва қўшимча ёнилғи сарфланганлиги сабабли умумий таннарх нисбатан қимматлашганлигини кўриш мумкин.

Диссертациянинг **“Фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва таннарх таҳлилининг такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобида фермер хўжаликларида асосий ишлаб чиқариш фаолияти бўйича маҳсулот таннархини арзонлаштиришда харажатлар таҳлили кўриб чиқилган ва фермер хўжаликларида маҳсулот таннархини таҳлили такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

